

Саудия Арабистонига авиакатновлар арзонлашиши мумкин



19:31 / 14.11.2024 1722

Саудия Арабистон Қироллигининг «Flyadeal» авиакомпаниясига Ўзбекистонга мунтазам авиакатновларни амалга ошириш учун рухсатнома [берилди](#).

Бу Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистон Қироллиги ўртасида ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимга асосан амалга оширилмоқда.

Авиакомпанияга Жидда-Тошкент-Жидда, Мадина-Тошкент-Мадина ва Жидда-Наманган-Жидда йўналишларида мунтазам авиакатновларини амалга ошириш рухсатномаси расмийлаштириб берилган.

Парвозлар А320 ҳаво кемасида амалга оширилади.

Эслатиб ўтамиз, Саудия Арабистонининг Flyadeal авиакомпанияси қироллик тарихида биринчи марта фақат аёллардан иборат экипаж билан парвозни амалга [оширганди](#). Аъзоларнинг барчаси Саудия фуқаролари бўлган.